УДК 82-313.3

# НОРЕАЛ ҲАЁТ ТАСВИРИДА БАДИИЙ МАКОН

**Н.Р.Қурбонова**

*Мақолада Алигьери Дантенинг "Илоҳий комедия" асарида тасвирланган дўзах – бадиий макон сифатида тадқиқ этилган. Тадқиқотчи бадиий маконни ўрта асрлар итальян шоирининг космологик тасаввури, диний-мифологик билимлари, фалсафий ва ижтимоий қарашларининг синтези ўлароқ кузатаган, уни замонавий фанлар ютуқларига қиёсан таҳлил қилган. Данте қўллаган дўзах топонимлари манбаларига аниқлик киритган. Асар таржимасидаги айрим нозик ёндашувларга диққат қаратилган.*

***Калит сўзлар:*** *бадиий макон, космология, комедия, қўшиқ, композиция, терцина, сюжет, топоним, нореал дунё, мифология.*

*В статье исследуется Ад, описанный в произведении Данте Алигьери "Божественная комедия", как художественное пространство. Рассматривая художественное пространство Ада как синтез философских и социальных взглядов, религиозно-мифологических знаний и космологических представлений итальянского поэта средневековья, опирается на достижениями современной науки. Так же даны определения топонимам Ада, использованным Данте. Обращено внимание на некоторые подходы к переводу произведения.*

***Ключевые слова:*** *художественное пространство, космология, комедия, песня, композиция, терцина, сюжет, топоним, потусторонний мир, мифология.*

Милоддан аввалги иккинчи минг йиллик охирида кўчманчи европаликларнинг охират дунёсида "демографик портлаш" юз берди. Археологлар айни шу даврга мансуб ҳайратланарли миқдордаги қабрларни топишган. Уларнинг кўпи фақирона эди. Ёғочсозлик даври кишилари таомилга биноан ўзлари билан қўпол сопол хумча ва озгина гўшт олиб, нариги дунёга "жўнашган". Бу орқали айнан нима кўзда тутилган – ҳозиргача маълум эмас. Эҳтимол, илгари яшаб ўтган қабила ҳамда халқларни шу одат воситасида боқий оламда зарур нарсалар билан "таъминлашган"дир?! Чуқурликдан, ғору унгурлардан иборат минглаб қўрғонлар битта катта қўрғонига эллик нафар кишини жойлаштириш имконига эга янги хўжайинлар томонидан эгалланган. Умуман олганда, саҳройилар Европасининг дорулбақосида ҳали бу пайтда на бирон қонун, на бирон бир давлатчилик тузилмаси тўғрисида гап борган.

Айнан ўша даврда шарқликлар – мисрликлар, хитойликлар, икки дарё оралиғидаги халқларда тасаввури шаклланган охират оламлари аллақачон ўз тарихий даврларининг чўққисига кўтарилган, амалдорлар маъмурияти асосида юзага келган, судлар фаолият кўрсатадиган, қонун амал қиладиган илк давлатлар мавжуд эди. Қадим Греция кичик-кичик полисларга бўлинган эса-да, юнонларнинг умумлашма Аидида ягона давлатчиликнинг қудратли тизими ҳукм сурган [1. С. 66]. Қисман эса-да, нариги дунё тасвирланган дастлабки бадиий асарлардан бири айнан Элладада яратилган. Бу ўринда гап Гомернинг "Одиссея"си ҳақида бормоқда.

Нариги дунёда "бўлиб қайтган" кишиларнинг турли бадиий саёҳатномалари ичида бундай ҳужжатларнинг энг батафсили ва тўкиси "Илоҳий комедия"дир. Данте Алигьери ўз саёҳатини ўттиз беш ёшга тўлганида, аниқроғи, 1300 йилда амалга оширган. Ўша саёҳат бошланган сана маълум эмас. Аммо биз мартнинг охири, апрелнинг бошларида нима юз берганини биламиз. Бу тўғрида Дантенинг дўсти Каселла (таъкидлаш керакки, саёҳатнинг учинчи кунида Аъроф тоғлари этагида шоир ўша одамнинг руҳини учратиб қолади) католик Рождествосидан уч ойлар чамаси вақт ўтганди, дея эслайди. "Комедия" муаллифининг осмон ёриткичлари жойлашуви борасидаги эслатмаларига таянган ҳолда турли тадқиқотчилар турли саналарни қайд этишган. Чунончи, Хорхе Луис Борхес шундай маълумот беради: "*1300 йилнинг 13* апрель куни тонгда, саёҳати тугашига бир кун қолганда Данте машаққатларни енгиб ўтиб, Аъроф тоғларидан ошганча замин Жаннатида намоён бўлди" [2].

Агар шу нуқтаи назардан ёндашилса, Данте Дўзах дарвозасидан 1300 йилнинг 8 апрелида, жума куни кирган ва пайшанбада, 14 апрелда Эмпирейга етиб, ўз саёҳатини якунлаган бўлади. Аммо бундан кўра муҳими шундаки, саёҳат муддати шоирнинг йўл бўйи орттирган таассуротларига катта таъсир ўтказа олмаслигидир. Ер қаърида жойлашган Дўзах фасллар алмашинуви таъсирини сезиши ҳам даргумон. Бундай ҳол Ер атмосфераси чегараларидан олисда турган кўк Жаннати учун ҳам хос. Аросат ҳамда заминий

Жаннат тоғларининг ўрни эса тропик минтақада жойлашган бўлиб, у ерлардаги ҳарорат Тинч океани сабаб мулойимлашгандир. Шу боис саёҳатчилар томонидан “чизилган” ушбу табиат картиналарини мавсумий ўзгаришларга учрамайди деб ҳисоблаш мумкин.

“Илоҳий комедия” – жаҳон адабиётининг нодир обидаси. Унда XIY асрнинг улуғ шоири ўтган ва ўзи билан бир даврда яшаётган одамлар образи ҳамда қизиқарли сюжет воситасида эзгулик ва ёвузликка, инсонлик ҳаётининг мусбат ва манфий томонларига ўз ҳукмини эълон қилган, десак янглишмаймиз. Данте ўз асарини “Комедия” деб атар экан, бунда ўша даврдаги нуқтаи назарга кўра, даҳшатли муқаддима ва некбин якунга эга бўлган адабий асарни назарда тутган. Данте асарига “илоҳий” деган сўз Джованни Бокаччо томонидан қўшилган [3]. “Илоҳий комедия” уч қисмдан тузилган бўлиб, 1-қисм – “Дўзах” кириш характеридаги икки ва дўзах тасвирига бағишланган 32 – жами 34 қўшиқдан, “Аъроф” ва “Жаннат” қисмларининг ҳар бири 33 қўшиқдан иборат. Шоир Дўзахдаги тартибсизликни унинг композициясида ҳам акс эттирган. Қўшиқлар уч мисрали банд – терциналардан ташкил топган. Мутахассилар фикрига кўра, уч мисрали банд христианликдаги Троицани (Ота Худо, Биби Марьям ва Исони), 33 эса Исонинг ёшини англатади. Бутун поэма 100 қўшиқдан иборат бўлиб, 100 рақами мукамаллик ифодасидир.

Данте тасвирига кўра, дўзах уч қисми ернинг марказига уланган улкан воронкага ўхшайди. Дантенинг жаҳаннамга сафари дарвозадан бошланади. Китобхон дуч келадиган дўзах билан боғлиқ биринчи ном Ахерондир. Ахерон – дўзах дарёси бўлиб, юнон тилида “азоб дарёси” демак. Данте ҳам бу образни антик мифологиядан олган. Ахерон дўзахнинг биринчи доирасини айланиб оқади. Кейин эса пастга оқиб, Стигий ботқоғини ҳосил қилади. Бу ботқоқ ҳам “Илоҳий комедия”да дўзахдаги маконлардан биридир. Ундан ҳам пастроқда эса Ахерон қайнаб ётган қонлар оқаётган Флегетон дарёсига айланиб, худкушлар жазоланадиган ўрмон ва олов ёмғири ёғиб турган саҳрони кесиб ўтади. Дарё худди мана шу ердан улкан шаршара шаклида янаям пастга оқиб, ер марказида муз кўли – Коцитга айланади. Шу тариқа Данте дўзахнинг энг тубини музлик сифатида тасвир этади.

Дантенинг охиратдаги дастлабки икки минтақа (Дўзах ва Аъроф) бўйича ҳамроҳи римлик улуғ шоир Публий Вергилий Марондир. Бундан яхшироқ йўлбошчини тилаш ҳам амримаҳолдир. Вергилий ҳали ҳаётлик чоғидаёқ юнон-рим Аиди топографиясини чуқур ўрганиб, шу асосда ўз “Энеида”сида Рим халқига асос солган Энейнинг у ёққа бориб қолишини батафсил тасвирлайди. Милоддан аввалги 19 йилда вафот этган Вергилий Данте билан танишувига қадар дорулбақода минг уч юз ўн саккиз йил яшаб келган деган маъно келиб чиқади. Унинг қўнимгоҳи эса мажусий тақводорлар дўзах азобларини тотмайдиган, бир-бирлари билан мулоқот қила оладиган макон Лимб эди. Бундан ташқари, нариги дунёда узоқ вақт бўлиши давомида Вергилий жаҳаннам ҳаёти билан ипидан игнасигача танишиш имконига эришганди. Асосийси, бир сафар уни бу ерга жўнатган фессалиялик жодугар Эрихтонинг иродасига биноан бутун Дўзах (Лимбдан Жудеккагача, Жудеккадан Лимбгача чўзилган жойлар)ни айланиб чиқишига тўғри келганди. Энди эса яна бир бор аёл зоти (бу сафар Беатриче)дан фармон етиб борди-ю, шу тариқа Вергилий Дантенинг раҳбонига айланди.

Флоренциялик шоир Вергилийни ўз устози деб санагани боис ҳам Данте учун шундай йўлбошчи “танланган”и аниқ. Насронийлар Вергилийга юксак эҳтиром билан қарашган. Диний кайфиятдаги Данте учун ҳам одатий мажусий кўринишидаги гуноҳкор кишидан кўра бундай ҳамроҳ ардоқлироқ эди [4]. Дўзахдаги ўзга тақводорлар эса бу ишда унга кўмаклаша олмасди. Чунки “Эски аҳд”да Христоснинг тарафдорлари саналган ўша кишилар баён этилаётган воқеалардан ўн уч асрча муқаддам жаҳаннамни тарк этишганди. “Илоҳий комедия”да Вергилий тилидан қуйидагилар бежиз таъкидланмаган:

*“Гувоҳман, бу ерга келди бир дафъа*
Улуғ ҳазратлари – ғолиб жаноби.
*55 Одам Атони у қутқазгандир, ҳа,*
Ўғлонин ҳам шундоқ. Нуҳи муборак,
Ҳазрати Мусо ҳам у зотга халфа.
*58 Шоҳ Довуд, нуроний Иброҳим бешак,*
Авлод-аждоди-ла ҳазрат Исроил,
Роҳила – қимматга тушган келинчак.
*61 Бўлмиш кўп азизлар меҳрига ноил,*
Лойиқ бўлолмаган бошқалар ва лек.
Илк бор ўшаларга боққанлар мойил” [5. Б.23].

Охират минтақалари ҳамда тириклар дунёси Дантеда коинотнинг бир бутун ва тугал манзараси ўлароқ бирлашиб кетган. Ер курраси оламнинг марказида, Сион тоғию Қуддус шаҳри эса Шимолий ярим шар ўртасида жойлашган. Жанубий ярим шар эса, асосан, океандан иборат ҳамда у ёққа чиқиш одамзодга тақиқланган. (Бу ҳолдан II асрда яшаган атоқли илоҳиётчи Климент Александрский огоҳ этади ва Данте ҳам унинг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди)

Осмон картинаси “Илоҳий комедия”да мураккаброқ, аммо шоирнинг “Базм” трактатида батафсилроқ тасвирланган. Ҳаракатсиз Ер атрофи бўйлаб асосан марҳумлар руҳи ва фаришталар қўним топган концентрик (бир умумий марказга эга) осмон сфералари айланади. Бу айланиш ўзаро уйғун куй садолари остида кечади. Олдинги

етти сферага қаторига Данте томонидан Ой ҳамда Қуёш ҳам “қўшиб қўйилган” сайёралар тўғри келади. Булар – Ой, Меркурий, Венера, Қуёш, Марс, Юпитер ва Сатурн осмонлари.

Ижодкор томонидан “чизилган” дунё кўриниши тўғрисидаги бугунги тасаввурлар нуқтаи назаридан бу манзара ўзининг олий нуфузига қарамай, хусусан, осмон сфераларининг физик табиати борасида унчалик ҳам аниқ эмас. Аммо Коперник кашфиётигача ҳали уч ярим аср вақт бор эди. Илм дунёсида эса олам марказидаги Ер шари ҳамда унинг атрофида айланувчи Қуёш ва сайёралардан иборат птоломейча модель ҳукмрон эди.

XX асрда Данте космологиясини замонавий физик-математик назариялар билан келиштиришга уринишлар бўлди. Атоқли файласуф Павел Флоренский ўзининг “Геометриядаги хаёлот” китобида дантеча коинот ҳақида шуларни ёзади: “Бу олам манзарасини Эвклид чизмалари билан тасвирлаб бўлмайди” [6. С. 46].

Швейцариялик математик Берман Вейль ҳам дантеча космологияни дунёнинг замонавий математик модели билан таққослашга уринган. Унинг “Асосий физик ғоялар эволюцияси” деган китобини шарҳлаган Г.Ю.Трегер томонидан билдирилган шоҳидликка қараганда, Данте космоси типологияси Эйнштейн космоси типологиясига яқин.

Данте ва Вергилий дўзахнинг дарвозасидан ўтиб, 1-доирага киришади. Бу – насроний таълимотига кўра, ғайри насронийлар ва чўқинтирилмаган гўдаклар жойлашган Лимб водийси эди. “Лимб” лотинча сўз бўлиб, ҳошия, атрофлаб ўраган нарса, канора маъносига эга. Асарда бу водий шундай тасвирланади:

7. Жарлик ёқасида эдик шу чоғда,
   Пойимиз остида қўрқинчли дара
   Шовқин, фарёд тўла гувлаб ётмоқда.
10. *Шу қадар зулумот, теран, қоп-қора...*
22. *...Йўлимиз заминнинг даҳшатли қаъри.*
23. *Қулоққа чалинган йиғимас, ёҳу,*
   Инграш келар эди ҳар ёндан фақат.
   Мангу хилқат узра таралган оҳ бу! [5. Б. 22-23].

Насронийларнинг ривоятларига кўра, Исо Масиҳ хочга тортилганидан кейин қайта туғилгунча Лимбга келиб, инсоният учун буюк хизматлар қилган шахсларни жаннатга олиб чиқиб кетар экан. Данте асарига кўра эса, Вергилий унга Исо Одам Ато, Нуҳ, Мусо, Довуд, Иброҳим, Исроил ва унинг қавмини, Исроилнинг хотини Роҳилани дўзахдан озод этганини хабар беради.

“Бешинчи қўшиқ”да нореал дунё билан боғлиқ яна бир топонимга дуч келамиз: Каин – аслида дўзахнинг 9-доирасига мансуб жой бўлиб, ундан ўз яқинларини ўлдирган ёки сотганлар ўрин олади. “Бешинчи қўшиқ”да Каин қуйидаги сабаб билан тилга олинади: 2-доирада Данте соялари бир-биридан айрилмайдиган Франческа ва Паолога дуч келади. Франческа римлик гвельфлар доҳийсининг ўғли бўлмиш Жанчотто Малатес исмли хунук ва оқсоқ кимсага узатилади. Франческа қайинукаси Паоло билан ишқий муносабатга киришганини билиб қолган Жанчатто ошиқ-маъшуқларнинг ҳар иккаласини ҳам ўлдиради. Дўзахнинг мана шу доирасида Данте Франческа билан сўзлашиб қолади ва Франческа унга Жанчаттонинг жойи дўзахнинг тубида – Каинда бўлишидан умидворлигини айтади. Аслида ҳаётда бу воқеа 1283-1286 йиллар оралиғида бўлиб ўтан. Бадарға қилинган Данте ўзининг сўнгги паноҳгоҳини Франческанинг жияни бўлмиш Гвидо Новелло да Полентанинг ҳузуридан топган эди. Балки шунинг учундир, эҳтимол, шоир сифатида муҳаббатда эрк масаласини улуғлагани учундир, Данте дўзахда Франческа ва Паолога жуда ачиниб қарайди. Уларнинг ғуссали ишқ ҳикоясини эшитгандан кейин эса шу даража мутаассир бўладики, ҳушдан кетиб йиқилади. “(109) Улар сўзин тинглаб, қаддим бўлиб ёй, Беҳад изтиробда бош эгдим ғамгин... (140) Ҳасратлари мени қилди-ю адо (142) Йиқилдим ўша он бамисли ўлик”, деб ёзади шоир.

Устоз-шогирд шоирлар дўзахнинг 5-доирасида Стигий* ботқоғига дуч келишади. “Стикс” грекча сўз бўлиб, “манфур” деган маънони англатади. Юқорида айтилгани каби бу ботқоқ Ахероннинг пастки оқимидан пайдо бўлади. Бу ботқоқда ғазабнок ва дангаса кимсалар жазоланади. Данте бу манзарани шундай тасвирлайди:

*109. Боқсам, нарироқда гирдоб қайнарди,*
   *Ва унда айқашиб ваҳший оломон*
   *Балчиқ орасида бижғиб юрарди.*
*112. Юлқишар эдилар улар беомон,*
   *Тўш уриб, қўл силкиб, тиз уриб пайваст –*
   *Шўнғиб, ғажийман деб бир-бирин ёмон* [5. Б. 38].

Хўш, улар қайси гуноҳлари учун бу жазога мустаҳиқ этилганлар? Данте бу гуноҳкорларнинг ўзига сўз беради. Улар зўрға шивирлаб шундай дейдилар:

*121. ……*
   *Биз ёруғ дунёда тунд эдик буткул,*
   *Яшадик қовоқни сира очмасдан.*
*124. Мана, тиқилганмиз балчиққа нуқул…* [5. Б. 39].

Олтинчи доирада Дит шаҳри жойлашган. Дит – бу грекларда дўзах худоси Аид (Гадес)нинг лотинча номи. Аид Зевс, Посейдон, Гера, Гестия ва

* Бу жой номи “Илоҳий комедия”нинг ўзбекча таржимасида Стигий ботқоғи, қўшиқ мазмунининг қисқача насрий баёнида “Стикс” деб берилган. Аслида рус тилида “болото Стикса” ва “Стигийское болото” дейилади. Бизнингча, “Стикс ботқоғи” деган маъқулроқ.

Деметранинг укаси. Унинг қаллиғи Персефон бўлган. Римликлар уни Плутон деб атаганлар. Плутон сайёрасининг номи ҳам шундан олинган. Антик мифологияда Аид бирваракайига ерости ўликлар салтанати худоси ва ўликлар салтанатининг номини англатган. Мифологияга кўра, бу маконга кириш жойи Ерни ювиб турадиган Океан дарёсининг нарёғида экан. Данте асарида Дит жой номи – дўзахнинг энг пастки қавати, Стикс ботқоғи билан ўралган шаҳар номи маъносида келган. Бу шаҳарда бидъатчилар, даҳрийлар жазоланади. Дўзахнинг бу қисмидаги жазо Дантени яна-да даҳшатга солади: унда зулфу кокил ўрнига илон ўрнатилган интиқом маъбудалари даҳшат солиб юради, бир гуруҳ оломон Стикс суви устида елимдай тутунда азобланиб чопиб юради, баъзилар эса темирни пешлашда ишлатиладиган оловдан ҳам баландроқ даражадаги алангада ёндирилади.

Дитнинг “шаҳар” дейилиши нисбий. У бизнинг тасаввуримизда шаҳар сифатида гавдаланмайди. Бу жой кўпроқ қуйи Дўзах чуқурлиги билан ўралган мустаҳкам линиядир. Ана шу ерда шоирнинг биринчи бор кўп сонли тубжой аҳолига дуч келганини қайд этиш мумкин. Бу аҳоли шаҳар дарвозаларини қўриқлашга қўйилган тубан фаришталар ҳамда юнонларнинг антик замонлардан қолган адоват маъбудалари – эринийлардан иборат. Девор қўрғонлар оралаб уйлар ўрнига олов ёниб турувчи сон-саноқсиз қабрлар турибди. Бунда – олтинчи доирада даҳрийлар, еретиклар банди этилган. Шу ерда қуйи Дўзахга элтувчи чуқурлик узилган. Тик нишаб Исонинг жаҳаннамга келиши пайтида юз берган сўнгги зилзила натижасида ҳосил бўлган улкан палахсалар билан қопланган. Шу ўринда Данте илк бор ёввойи фаунани – кентаврлар ва Минотаврни тилга олади. Илгари айтганимиз Церберни эса Аидда кириш йўлини қўриқлагани боис уй ҳайвонлари сирасига қўшмоқ жоиз.

9-қўшиқда дўзахга оид яна бир топоним тилга олинади. Бу – Яҳудо (яъни Иуда) сарҳади. Яҳудо Ахерон дарёсининг охирги манзили – Коцит муз кўлининг атрофи бўлиб, дўзахнинг энг туби ҳисобланади. Яҳудо сарҳадида Исони сотган Иуда абадий жазога мустаҳиқ этилган.

Ўнинчи қўшиқнинг русча таржимасида яна бир топоним бор, аммо бу ном ўзбекча таржимада тушириб қолдирилган. Русча таржима:

*10.* “Все будут замкнуты, - ответ мне был, -
Когда вернутся из Иосафата
В той плоти вновь, какую кто носил [7. Б.72].

Ўзбекча таржима:

*10. Деди: “Маҳшар чоғи саҳродан у тоб*
Ўз шаклига кириб қайтурлар яна.
Ва шунда бекилур мозорлар шитоб” [5. Б. 50].

Иосафат деб номланган бу жой черков таълимотига кўра қиёмат водийсидир. А.Орипов таржимада бу жойни “маҳшар саҳроси” тушунчаси билан алмаштирган ва бу оригиналдаги маънога ҳеч бир халал етказмаган.

Ўн иккинчи қўшиқда яна бир дарё номи берилган. Қон оқадиган бу дарёнинг номи Флегетон (грекча “ёқувчи” демак)дир. Флегетон аслида учинчи қўшиқда тилга олинган Ахерон дарёсининг давоми бўлиб, унда ўз яқинларига нисбатан зўрлик қилганлар жазо тортадилар.

Зўравонлар қавати саналган еттинчи доира Флегетоннинг қонли оқимидан бошланади. Шу доиранинг дастлабки минтақасида ўз яқинларига зулм ўтказганлар қовурилади. Кейинги минтақанинг эса қизиқ жиҳати шундаки, ўша жойда Лимбдан кейин биринчи марта яна ўсимлик дунёси тўғрисида сўз кетади. Яъни, ундаги ёввойи дарахтзор сертикан ва қўнғир баргли ҳосилсиз ғадир-будур дарахтлардан иборат. Дарахтлар худкушлар – ўз-ўзига зулм ўтказганлар руҳининг уруғларга айланишидан ўсиб чиққандир. Ўрмонни япроқлар билан озиқланувчи ҳамда ўша осий дарахтларни бурдаловчи кўп сонли гарпийлар макон тутган. У ерда, шунингдек, кўплаб ёввойи итлар ҳам борки, улар чангалзордаги қиморбозларни, пулхўрларни овлайди.

Ўрмон ортидан янги табиат минтақаси – бағрида учинчи камар маҳбуслари азоб тортаётган қайноқ саҳро бошланади. Мазкур ҳудуд бандилари қуйидагилар: илоҳиятга зулм ўтказганлар (шаккок, худобезорилар), табиат қонунларини таҳқирлаганлар (содомитлар) ҳамда санъатни хор қилганлар (судхўрлар).

Улар қизиб турган чўл бўйлаб юрмоққа маҳкум. Ўрмондан оқиб ўтувчи Флегетон ўз оқими давомида ёғилаётган оловни ўчириб боради ва сернам ҳаво минтақасини ҳосил қилади. Кейин даҳшатли гувуллаш остида дарё тубсиз жарликка қуйилади. Айнан шу жойда – улкан ўпқонда Дўзахнинг саккизинчи доираси – Ёвузлик ёриғи жойлашган. Бу ёриқ концентрик шаклдаги тўққиз зовур ёки ўрага ажралувчи ҳалқасимон камар бўлиб, ўша зовурлар дўзах воронкасини ўраб олгандир.

Камарда марказга қараб енгилгина оғиш мумкин. Марказда, ўнта ўра орасида “Гигантлар қудуғи” бор. Ёриқлар бир-биридан тупроқ деворлар орқали ажратилган. Бутун тизим эса ғорларга олиб борадиган харсангтошлар томон радиус бўйлаб кесиб ўтган. Тошлар бир қанча ўхшаш кўприкларни ҳосил қилган. Жаҳаннамнинг ушбу воҳаси “чўян”нинг қоятош кўринишидаги тури асосида шаклланган.

Ёвузлик ёриғида ўзаро ишонч ришталари билан боғланмаган кишиларни алдовчилар жазоланадики, шу боис бунда алдов тушунчасини жуда кенг шарҳлаш керак.

Илк ўрада бир-бирига тўқнаш келувчи икки

оқим оралаб шайтонлар дарраси остида қўшмачи ҳамда йўлдан оздирувчилар боради. Кейинги ғорда лаганбардорлар нажасга ботган. Учинчи ўрада табаррук нарсаларни сотувчилар азобланади. Уларнинг бош ва гавдаси сарғиш тошдаги доирасимон ўйиқларга тиқилган, ташқарига чиқиб турган оёқларини эса олов куйдиради. Тўртинчи ёриқ фолбинлардан тўлган. Уларнинг танаси абгор ҳолга келган ҳамда кўкрак қафасининг юқори қисми 180° га букилган [6].

Навбатдаги ғорда жазоланаётган порахўрларни қайноқ елим ютиб юборган. Дўзахнинг айни шу ҳудуди тирикларга анчагина маълум. Бунда қабул қилинган жазо Дўзах учун қайсидир маънода “ташриф қоғози” ҳамдир. Шайтонлар осийларнинг қуйқадан кўп ҳам кўтарилмаслиги ва уларни чангак билан чўктириш учун арвоҳлар изидан кузатиб боришади. Қизиқ жиҳати шундаки, бу шайтонлар ўлиши ҳам мумкин: Дантенинг кўз ўнгида икки шайтон қайноқ балчиққа тушиб кетади ҳамда ўртоқлари уларни тортиб чиқаришгач, кўп ўтмай ҳалок бўлишади. Ўша елимшак қуйқада юз йиллар давомида қайнаб келаётган гуноҳкорлар орасида эса тўлиғича омонлик ҳукмрон. Данте шайтонлар учун охират ҳаёти борми, бор бўлса, у қаерда деган масалани сукут сақлаганча четлаб ўтган.

Умуман олганда, шайтонлар одамсимондир (гарчи уларнинг қаноти бўлса ҳам). Улар одамдек гапира олишади ва бир-бирларини исмларини айтиб чақиришади. Шуниси қизиққи, турли миллат ҳамда даврларга мансуб гуноҳкорлар, Данте ҳам, Вергилий ҳам ўша шайтонлар гапираётган тилни жуда яхши тушунишади. Дўзахда афтидан тил муаммоси умуман юзага келмайди. Эҳтимол, бу ҳолат Аиднинг Бобилдаги тўс-тўполонга қадар ҳам анча вақт мавжуд бўлганлиги сабабдир. Саккизинчи доирада фирибгарлар жазоланадиган жойни Данте Ёвуз ғор деб атайди ва шундай тасвирлайди:

Дўзахда бир жой бор, оти Ёвуз ғор,
Чўяндай тош эрур бошдан-оёғи,
Тик кетган жар каби залварли девор.

*4. Унинг тубида-чи, кенг ва қоронғу*
Оғзин очиб ётар мудҳиш бир қудуқ.
Ўшал ҳақда бўлгай гапнинг бу ёғи.

*7. Қоя ва жарликнинг ораси узоқ,*
Ўртада биз ўтган ўша поғона –
Айлана шаклида – ўн жойдан ботиқ.

*10. Қалъалар шу тахлит бўлар фасона,*
Асрар деб ногаҳон бошланса қамал –
Ҳандақ, ўра бўлар атроф айлана.

*13. Бу жой ҳам шунақа эди филмасал,*
Дарвозадан тортиб қирғоққа қадар
Тўшалгани каби кўприклар гал-гал

*16. Тубсиз жарлик узра узун, серхатар*
Чўзилиб кетганди тоғ қирралари,
Ул қудуқ қошида бу тизма тўхтар [5. Б. 90].

Ёвуз ғор деган топоним бирор-бир манба билан боғлиқ бўлмай, бу номни Дантенинг ўзи қўйган [5. Б. 184].

“Дўзах”даги охирги топонимлар 9-доирага тааллуқли. Тўққизинчи доира тўрт қаватдан иборат бўлиб, биринчи қават Каин ёки Каина деб юритилади, бу қаватда ўз яқинларига хиёнат қилганлар жойлашган. Антенора деб номланган иккинчи қаватда эса ватанига ва ҳаммаслакларига; Толомея деб номланган учинчи қаватда дўстларини ва ҳамтовоқларини сотганлар; Жудекка номли охирги тўртинчи қаватда эса Тангрининг элчиларига, инсоният учун улкан эзгу ишлар қилган шахсларга хиёнат қилганлар жазоланадилар. Данте мана шу энг охирги қаватга Исони сотган Иудани жойлаштирган. Коцитга Лета суви қуйилувчи ёриқ етарлича катта ва ҳатто унинг энг чуқур тубига юлдузлар нури кириб борган. Шу ёриқ орқали Ер марказидан Жанубий ярим шарга, Аросат тоғи этагига кўтарилиш мумкин [8].

Кўринадики, Данте дўзахдаги жойларни номлашда, асосан, Инжил ривоятлари ва антик мифологияга асосланган [9]. Фақат бир ўринда ўзи жой номини ўйлаб топган. Ривоят ва мифда сақланиб қолган бу жойларни шоир шундай тафсилотлар билан тасвирлайдики, ўқувчи уни сурат ёки кинодагидек жонли манзараларда кўриб туради. Биргина “Дўзах” қисмидаги жойлар номи ва тасвири “Илоҳий комедия” хронотопининг нақадар серқатлам ва рамзий маънога эга эканлигини кўрсатади [10, 11, 13]. Бу маконлар шоирларнинг жаҳаннамдаги сайри якунланиб борган сари мудҳишлаша, му-раккаблаша боради. Бошқача айтганда, замон ўз-гарган сари макон ҳам ўзгара боради.

## Адабиётлар

1. *Грейвс Р.* Мифи древней Гретсии. – Москва: Наука,1992. – 624 с.
2. Борхес Х. Девять эссе о Данте (предисл.А.А.Фридмана) // http://www.lib.ru/BORHES/borhes_dante.txt
3.http://ru.википедиа.орг
4. Вергилий. Энеида. Пер.: С.Ошеров // Вергилий. Буклики. Гергикий. Энеида. – Москва: Художестенная литературе, 1971. – 640 с.

5. Орипов А. Танланган асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – 384 б.
6. Флоренский П. Мнимости в геметрии. – Москва: Лазурь,1991. – 96 с.
7. Данте, Алигьери. Божественная комедия. / Перевод М.Лозинского. – Москва: Правда, 1982. – 640 с.
8. https://divinacommedia.weebly.com/cronologia.html
9. Андреев М.Л. Проблема времени в “Божественной комедии” Данте. Автореф. дисс. канд.филол.наук. – Москва, 1977. – 26 с.
10. Баткин *Л.М.* Данте и его время. Поэт и политика. – Москва: Наука, 1965. – 198 с.
11. Андреев М. Время и вечность в “Божественной комедии”// Дантовские чтения. – Москва, 1979. – 267 с.
12. Голенищев-Кутузов И.Н. Данте. – Москва*:* Молодая гвардия, *1967.* – 288 с.
13. Қуронов Д. Талқин имконлари.- Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015.- Б.88

## THE PROBLEM OF ARTISTIC PLACE IN THE DESCRIPTION OF UNREAL LIFE

**N.R.Kurbonova[1]**

*Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 1 (45). 85 – 91.*
*[1]Bukhara State University, Bukhara, 200114, str. Muhammad Iqbol, 11 (Usbekistan). E-mail: bsu_info@edu.uz*

***Keywords:*** *artistic place ,cosmology, comedy, song, composition,tercet, plot, toponym ,other world*

This article deals with the description of the hell in the work “Divine comedy” as an artistic place by Alighieri Dante. The researcher observes the artistic place as a synthesis of philosophical and sociological attitudes, religious and mythological knowledge, cosmological imaginations of the Middle Age Italian poet, comparing them with the scientific achievements of that time. The researcher gives definitions to the toponyms of the hell used by Dante.

“Divine comedy” is a masterpiece of the world literature. The period in which Dante lived and surroundings of him ,and also some episodes show the picture of that time. The poet’ s attitude towards vice and virture, positive and negative sides of humanity are given as well.

Calling his work “Comedy’’ the author meant terrible beginning and the happy end. Later the word “divine” had been added by Boccaccio. “ Divine Comedy’’ consists of 3 parts. They are Hell ,Purgatory and Paradise. Songs of the work consist of three line strap-tercets. Tercet in Christianity means trinity and 33 is an age of Jesus Christ .Generally the work consists of 100 songs and the number 100 means perfection

According to the description of Dante , hell is like the big funnel the sides of which is linked to the centre of the Earth.

The first name relates to the hell is Acheron .Acheron is a hell river means the” river of suffer” in Greek .It is taken from Greek mythology .This river flows around the first circle of the hell and flowing down it creates Stygian swamp. This swamp is a place of hell in “ Divine Comedy” .By this way the author describes all circles of the hell where all culprits are punished

Dante was accompanied by Virgil in the Hell and Purgatory as the author considered him his mentor. Continents of another world and the world of living were united into one whole in “Divine comedy”.

In the 20th centure there were some attempts to compare cosmology of Dante with modern physics and maths theory. Swiss mathematician Berman Weil tried to compare cosmology of Dante with the modern model of math. Having commented Weil’s book ‘’ The evolution of the main physical ideas” G.Treger declared that space typology of Dante is close to the space typology of Einstein.

Several toponyms can be seen in the part Hell. The last toponym relates to the 9th circle .

Consequently, Dante used the legends of the Bible and the ancient mythology to call place names of the Hell, only the toponym ‘’ Evil cave’’ had been created by him. The names and descriptions in the part Hell show how layered and symbolic the chronotope of “Divine comedy” is.So, changing of time causes changing of place.

### References

1. Greyvs, R. (1992) *Mifi drevney Gretsii* [Myths of ancient Greece]. Moscow: Nauka.
2. Borxes X. *Devyat esse o Dante* (predisl A.A.Fridmana) [Nine Essays About Dante]. //http://www.lib.ru/BORHES/borhes dante txt.
3. http://ru.wikipedia.org

4. Virgil. (1971) Eneida. Per.S.Osherov // Vergiliy. Bukoliki. Georgikiy. Eneida [Virgil. Bucolics. Georgics. Aeneid]. Moscow: Xudojestvennaya literatura.

5. Oripov A. (2001) *Tanlangan asarlar*. 3-jild [Selected works]. 3th. Tashkent: G'G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti.

6. Florenskiy, P. (1991) *Mnimosti v geometrii* [Imaginary geometry]. Moscow: Lazur.

7. Dante, Alighieri. (1982) *Bozhestvennaya komediya* / Perevod M.Lozinskogo [The Divine Comedy]. / Translation by M. Lozinsky. Moscow: Pravda.

8. https://divinacommedia.weebly.com/cronologia.html

9. Batkin, L.M.(1965) *Dante i yego vremya. Poet i politika [Dante and his time. Poet and politics]. Moscow: Nauka.*

10. Andreev, M.L. (1977) Problema vremeni v "Bozhestvennoj komedii" Dante [Time and eternity in "Divine comedy"]. Abstract of dissertation for the candidate of Philological Sciences. Moscow.

11. Andreev, M. (1979) Vremya i vechnost v "Bojestvennoy komedii" [Time and eternity in "Divine comedy"]. Dantovskie chteniya. Moscow.

12. Golenishev-Kutuzov, I.N. (1967.) Dante. Moscow: Molodaya gvardiya.

13. Kuronov, D. (2015) Talqin imkonlari [Interpretation possibilities]. Tashkent: Turon zamin ziyo

Муаллиф ҳақида маълумот:

**Қурбонова Нодира Розиқовна** – Бухоро давлат университети инглиз адабиёти кафедраси катта ўқитув-чиси. E-mail nodiraroziqovna72@gmail.com